

## ЎЗБЕКИСТОН ССРДА МИЛЛИЙ РАХБАР ХОДИМЛАР ВА КОММУНИСТЛАРНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

**Қахрамон Ражабов**

*тарих фанлари доктори, профессор,*

*Ўзбекистон ФА Тарих институти бош илмий ходими*

<https://orcid.org/0009-0004-8839-1560>

*e-mail: [qrajabov125@gmail.com](mailto:qrajabov125@gmail.com)*

*UDK: 94(575.1)*

**Аннотация:** Мақолада XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистон ССРда амалга оширилган сиёсий қатағонларнинг сабаблари, бориши ва фожиали оқибатлари тарихий манбалар асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотда “қосимовчилик”, “бадриддиновчилик”, “наркомпрос иши” ва “ботир гапчилар” каби сунъий равишда тўқилган сиёсий жараёнларнинг моҳияти очиқ берилган. Шунингдек, совет режимининг миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларни йўқотиш орқали тоталитар тузумни мустаҳкамлашга қаратилган стратегик мақсадлари ёритилган.

**Аннотация:** В статье на основе исторических источников анализируются причины, ход и трагические последствия политических репрессий в Узбекистане в 20–30-х годах XX века. Раскрывается суть искусственно сфабрикованных политических дел, таких как «касымовщина», «бадриддиновщина», «дело наркомпроса» и организация «Ботир гапчилар». Освещаются стратегические цели советского режима по укреплению тоталитарного строя путем ликвидации национальных кадров и интеллигенции.

**Abstract:** The article analyzes the causes, progression, and tragic consequences of political repressions in the Uzbekistan SSR during the 1920s and 1930s based on historical sources. It reveals the essence of artificially fabricated political cases such as "Kasymovshchina," "Badriddinovshchina," the "Narkompros case," and the "Botir Gapchilar" organization. The study highlights the Soviet regime's strategic goals of strengthening the totalitarian system by eliminating national leaders and the intelligentsia.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон ССР, сиёсий

қатағон, совет режими, “қосимовчилик”, миллий зиёлилар, “катта террор”, ГУЛАГ, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, маориф тизими.

**Ключевые слова:** Узбекская ССР, политические репрессии, советский режим, «касымовщина», национальная интеллигенция, «большой террор», ГУЛАГ, Акмаль Икромов, Файзулла Ходжаев, система образования.

**Keywords:** Uzbekistan SSR, political repression, Soviet regime, "Kasymovshchina", national intelligentsia, "Great Purge", GULAG, Akmal Ikramov, Fayzulla Khojaev, education system.

**КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUSTION).** XX асрнинг 20–30-йиллари Ўзбекистон тарихида энг мураккаб ва фожиали даврлардан бири ҳисобланади. Совет ҳокимиятининг мустабид сиёсати натижасида юртимизда давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ ва маориф тизимида фаолият юритган миллий раҳбарлар ҳамда зиёлиларга нисбатан кенг кўламли қатағонлар амалга оширилди. Бу сиёсат нафақат “синфий душманлар”ни йўқотиш, балки ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёнини тўхтатиш ва жамиятда кўрқув муҳитини ўрнатишга қаратилган эди.

1929 йилдаги “буюк бурилиш”дан сўнг, Кремль томонидан “ўнг оғмачиликка қарши кураш” ноқоби остида маҳаллий кадрларни сиёсий саҳнадан супуриб ташлаш механизми ишга туширилди. Ушбу мақолада архив материаллари ва тарихий ҳужжатлар асосида сиёсий қатағонларнинг ҳуқуқий ва мафкуравий асослари, сунъий ташкил этилган суд жараёнлари ва миллат

фидойиларининг тақдири тизимли равишда тадқиқ этилади. Шунингдек, маориф фронтидаги “тозалашлар” ва “катта террор” давридаги оммавий қирғинларнинг жамият ижтимоий-маданий ҳаётига кўрсатган салбий таъсири илмий жиҳатдан баҳоланади

**МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION).** Ўзбекистон ССРдаги миллий раҳбар ходимларни лавозимларидан четлатиб, “ғоявий жиҳатдан” тор-мор қилаётган совет ҳокимияти XX аср 20-йилларининг охирига келиб, уларни жисмоний жиҳатдан йўқотишга киришди. Ўзбекистонда ҳуқуқ ва маориф тизимида қатағонлар авж олдирилди. Бу жиҳатдан олганда Ўзбекистон ССР Олий суди органларида ўтказилган қатағонлар айниқса характерлидир. Кремлнинг тазйиқи билан Ўзбекистон Компартияси IV съезди (Самарқанд, 1929 йил 17 февраль – 2 март)дан кейин жазо механизми ишга туширилди[1:117-128].

Тарихдан маълумки, 1929 йили СССР тарихига “буюк бурилиш йили” сифатида кирган. “Социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужумини тайёрлаш” даврида “ўнг оғмачиликка қарши кураш”да Ўзбекистон Компартияси IV съезди қарорлари машъум роль ўйнади. Коммунистлар анжумани Ўзбекистон ССРдаги партия ва совет органларини ўнг оғмачиликка (Кремлдаги Бухарин, Риков ва Томский тарафдорларига) қарши шафқатсиз ва кескин кураш олиб боришга чақирди. Съезд “Ўнглик хавфига ва у билан муроса қилишга қарши кураш тўғрисида” махсус қарор чиқарди[2:280-282].

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида иш олиб бораётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси партиянинг қишлоқда кўраётган тадбирларига бойлар ва қулоқлар ҳамда руҳонийлар қаттиқ қаршилик кўрсатаётгани, ўнг оғмачилар улар билан тил бириктириб партия сиёсатига қарши курашга отланганлигини қайд этиб, уларга нисбатан олиб борилаётган курашни кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Қўкон, Ўрта Зарафшон, Бухоро партия ташкилотларида мавжуд бўлган ўнг

оппортунистик элементлар қораланди[3:223-224].

Фарғона округининг Бешарик, Чуст-Поп партия ташкилотлари, Бухоро ва Зарафшон округ партия комитетларининг раҳбар ходимларидан бир гуруҳи ўнг оппортунистик ғоя билан заҳарланганликда, бой-қулоқ унсурлар билан алоқа қилганликда айбланиб, партиядан чиқарилди. Улар ўз лавозимларидан бўшатилади ҳамда турли жазо чораларига тортилди[4:162].

“Қосимовчилик” иши Тошкент вилояти суди раиси (1925-1926), Ўзбекистон ССР Олий суди раиси (1926-1929) лавозимларида фаолият кўрсатган *Саъдулла Рашидович Қосимов* номи билан узвий боғлиқдир.

Саъдулла Қосимов ўз фаолияти давомида Кремлнинг шовинистик сиёсатига қарши чиққанлиги совет ҳукуматига ёқмаган. Ўзбекистон ССР Олий суди раиси С.Қосимов 1929 йил март ойида лавозимидан бўшатилиб, қамоққа олинди. У бу вазифада 1926 йилдан бошлаб ишлаётган эди. С.Қосимов ва унинг 6 нафар тарафдори устидан СССР Олий суди сайёр сессияси 1930 йил 26 март – 22 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида суд жараёнини ўтказди[5]. С.Қосимов билан биргаликда Ўзбекистон ССР Олий судининг собиқ прокурори Бадриддин Латипович Шарипов, Эски Тошкентнинг собиқ судьяси Мирсоат Мирзокиров, Мирзачўл тумани собиқ судьяси Иброҳим Хўжаев, адвокатлар коллегиясининг собиқ аъзоси Спиридонов, йирик савдогарлар Насритдин Алимов ва Самиғжонов – жами 7 киши айбдор деб топилди. Марказдан келган жазо органлари (суд раиси: М.Васильев-Южин ва прокурорлар: Р.Катанян ва Г.Островский) ишга атайлаб сиёсий тус беришди. Суд жараёнида улардан ташқари жамоатчилик қораловчилари сифатида ёзувчи Сотти Хусайн билан раҳбар ходим Жаҳон Обидова қатнашган. С.Қосимов ва унинг тарафдорлари “босмачилар”ни қўллаб-қувватлашда, “аксилинқилобчи миллатчи ташкилот” аъзолари билан алоқа боғлаганликда, ислом динини ҳимоя қилишда айбланиб, уларга “қосимовчилик”

ёрлиги босилди[6]. Холбуки, С.Қосимов ва Б.Шарипов ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида туб миллат манфаатларини имконият доирасида ҳимоя қилишган эди. С.Қосимов тергов ва суд жараёнида СССР Олий суди томонидан Ўзбекистоннинг суверенлик ҳукуқи ва миллий манфаатлари поймол қилинаётганлигини очиб ташлашдан чўчимади.

Совет режими уч ой давом этган суд жараёнини доимий равишда матбуотда ёритиб борди[7]. Лекин унга коммунистик мафкура асосида ёндашилиб, ишнинг моҳияти сохталаштирилди. 22 июнда С.Қосимов, Б.Шарипов, Н.Алимов, Спиридонов отиб ўлдиришга, қолганлар эса 10 йил муддатга қамок жазосига ҳукм қилинди. Уларнинг бутун мол-мулки мусодара қилиниб, давлат ҳисобига ўтказилди[8]. Саъдулла Қосимов ва уч нафар сафдошлари совет ҳокимияти томонидан отиб ўлдирилади.

Самарқанд шаҳрида 1930 йил 4-13 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг V съездида яна ўнг оғмачиликка, троцкизм қолдиклари, маҳаллийчилик ва миллатчиликка қарши шафқатсиз кураш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида кўтарилди. Кўриниб турибдики, большевиклар ва уларнинг жазо органлари бу пайтда Ўзбекистон ССРда сунъий равишда “ўнг оппортунистлар”, яъни оғмачиларни ўйлаб топди ҳамда унинг замирида қатағон ва таъқибларни авж олдирди.

Ўзбекистон ССР Юстиция халқ комиссари ўринбосари, прокурор Смирновнинг Ўрта Осиё бюроси раиси Зеленскийга 1931 йил 17 мартда Миршаропов ва Мўминхўжаевнинг “жинойт фаолияти” юзасидан берган ахборотида қайд этилишича, улар суд тизими ходимлари сифатида Тошкент округи судининг собиқ раҳбари Исамухамедов билан яқиндан алоқа боғлаб, ўзларининг жиноятларини яшириб келган. Шу боис, 1931 йил 1 февралда ГПУ ходимлари томонидан М.Миршаропов, Т.Исамухамедов ва улар билан яқин алоқада

бўлган бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳибсга олинган[9:533-534].

1931 йил 11 февралдан 12 мартгача улар қосимовчилик гуруҳи аъзолари сифатида суд қилинади. Суд жараёни 23 кун давом этиб, унда 155 нафар гувоҳ ва 10 нафар айбланувчи сўроқ қилинган. Суд қарори билан М.Миршаропов отувга ҳукм этилиб, у кейинчалик 10 йиллик қамок жазоси билан алмаштирилган. Э.Мўминхўжаев, Л.Абдуқодиров ва М.Абдурахмонбеков отувга ҳукм қилинган. А.Тожиёв 3 йилу 4 ойга, А.Обидқориев 6 йил қамок жазосига ҳукм этилди. Суд Г.Маҳкамбеков, Т.Исамухамедов ва О.Абдуқодировни жинояти исботланмагани учун оқлашга мажбур бўлган[10:19].

Орадан кўп ўтмай навбатдаги иш – *бадриддиновчилик* ўйлаб топилди. 1932 йил 5 май – 15 июнда Тошкент шаҳрида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси Антонов-Саратовский раислигида (қораловчи СССР Олий суди прокурори Р.П. Катанян) *Шамсутдин Бадриддинов* ва унинг 5 тарафдори устидан суд жараёни ўтказди. Суд мажлисининг 39 та йиғилиши баённомаси Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланади[11]. Суд жараёнининг бориши “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока”[12] газеталарида махсус равишда намоишкорона ёритиб борилган.

Бадриддиновчилар ишида қуйидаги 6 нафар кишининг тақдири ҳал қилинган: 1. Шамсутдин Али ўғли Бадриддинов. 2. Абдурахмон Раҳмонов. 3. Мухитдин Садиқонов. 4. Иброҳимжон Мусахонов. 5. Мухаммадхон Хўжаев. 6. Маҳмудхон Аҳмаджонов. Улар Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 63-моддаси билан ҳибсга олиниб, иқтисодий аксилинқилобчи сифатида сўроқ қилинган[13].

*Ш.Бадриддинов* Татаристоннинг Арча кантонидаги Тунтор қишлоғида туғилган. 1921-1922 йилларда Андижонда милиция бошлиғи лавозимида ишлаган[14]. У 1924 йил охиридан бошлаб Фарғона вилояти милицияси сиёсий бўлими бошлиғи, 1925 йил ноябрдан Фарғона вилояти суди аъзоси, 1925 – 1927 йилларда Фарғона округи суди

раиси ўринбосари, 1929 йил февраль ойидан Фарғона округи прокурори, 1929 йил ноябрда Ўзбекистон ССР Олий судининг прокурори лавозимларида ишлаган, тарафдорлари билан биргаликда 1932 йили шу лавозимдалигида қамоққа олинган эди[15]. Ш.Бадриддиновга “Миллий Иттиҳод” ташкилоти аъзолари ва “босмачилар” билан алоқа боғлаган, Мунавварқори ва С.Қосимовнинг яқин дўсти ва ҳамфикри бўлган, деган айблар қўйилди. Бу суд жараёнида ҳам прокурор Р. Катанян эди.

Ш. Бадриддинов аввал отишга ҳукм қилиниб, сўнгра ўлим жазоси 10 йил қамоқ муддати билан алмаштирилади. Унинг Муҳаммадjon Хўжаев, Абдурахмон Раҳмонов, Маҳмудxon Аҳмадxonov, Муҳитдин Садихонов, Иброҳим Мусахонов каби 5 нафар тарафдори ҳам турли муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар[16:14].

Совет режими суд органларидаги миллий раҳбар ходимларни қатағон қилиш билан биргаликда жазо қиличини маориф жабҳасидаги зиёлиларга ҳам кўтарган эди. 1930 йил июнь-август ойларида Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги (Наркомпрос)даги бир гуруҳ раҳбар ходимлар (20 нафарга яқин) ҳибсга олинади. Бу *нарко́мпрос* ишининг бошланиши эди. Бу иш бўйича совет режими томонидан қамоққа олинган куйидаги 19 нафар маҳбусга айб қўйилди:[17] 1) *Маҳмуд Боту [Ҳодиев]* – Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари собиқ ўринбосари; 2) *Носир Саидов* – Андижон округи халқ таълими бўлими бошлиғи; 3) *Маннон Рамзий [Абдуллаев]* – Ўзбекистон ССР собиқ Маориф халқ комиссари, УГНИИ директори; 4) *Собир Қодиров* – Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигида профессионал таълим бошқармасининг собиқ бошлиғи; 5) *Боис Қориев [Олтой]* – ГУС раисининг собиқ ўринбосари; 6) *Ҳосил Восилий* – ўқитувчи; 7) *Хайруллахон Алявий* – ўқитувчи; 8) *Қосимхўжа Аллаев* – ўқитувчи, педтехникум директори, 9) *Лутфулла Алявий* – ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги фан секторининг собиқ бошлиғи; 10) *Мажид Воҳидов* – ЎзССР

Маориф халқ комиссарлиги инспектори; 11) *Абдуҷаббор Назирқулов* – ўқитувчи-методист, педтехникум директори; 12) *Абдулла Қамчинбеков [Гайнулин]* – янги турк алифбоси кўмитаси собиқ котиби; 13) *Саидахмад Назиров* – Москва тўқимачилик институти талабаси; 14) *Хўжа Назаров* – Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигида кўчириш бошқармаси бошлиғи; 15) *Усмон Салимий* – Ўз ССР Маориф халқ комиссарлиги сиёсий маориф бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари; 16) *Раҳим Шоқирбеков* – ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги коллегияси собиқ аъзоси; 17) *Ботир Ғуломов* – педагог; 18) *Фатхиддин Алимов* – ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги собиқ инспектори; 19) *Абдурахмон Ғоипов* – 1933 йил 3 мартда Москвадаги Бутирка изоляторида вафот этган[18].

Боту бошчилигида 20 нафарга яқин маориф тизими ходимларининг қамоққа олинишига ГПУ айғоқчиси, қосимовчилик ишида асосий гувоҳ бўлган Обид Саидовнинг 1930 йил 21 июнь кечкурун Тошкентдаги ўз уйида овқат (лағмон)дан заҳарланиши натижасида 23 июнда ўлиши баҳона бўлган. Меҳмондорчиликда Андижон округи халқ маорифи бўлими мудири Носир Саидов (мархумнинг акаси) ва бошқалар бўлган. О. Саидовнинг ўлими юзасидан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги Шарқ бўлими 1930 йил 26 июнда “жиноий иш” қўзғайди.

Совет органлари дастлаб О. Саидов ўлимида гумондор қилинган Носир Саидов, Абдулла Хўжаев, Мансур Саидовни ҳибсга олишади[19:47]. ОГПУ ходимларининг турли хилдаги қийноқлари остида Н. Саидов ўзининг “миллатчи” ва аксилинқилобий ташкилот аъзоси эканлигини “эътироф” этиб, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари ўринбосари Боту кўрсатмасига биноан Ҳосил Восилий ва Хайруллахон Алавий билан биргаликда ўз укаси Обид Саидовни заҳарлаб ўлдирганлигини “тан олади”. Аслини олганда бу “жиноят” махсус хизмат ходимлари томонидан тайёрланган бўлиб, уларнинг асосий мақсади Ўзбекистондаги маориф тизимида фаолият



кўрсатаётган миллий раҳбар ходимларни йўқотиш эди.

Натижада бу пайтда пойтахт Самарқандда жойлашган Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги тизимидаги 20 кишидан иборат гуруҳ қамоққа олинади. Улар гўёки О. Саидовни ўлдириш мақсадида Самарқандда тузилган яширин аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида айбланадилар[20:18-19]. Боту 1930 йил 15 июлда (айрим манбаларда 23 июлда) Самарқандда қамоққа олинди, унга Маориф халқ комиссарлигидаги аксилинқилобчи ва миллатчилар гуруҳининг раҳбари деган жиддий ва кескин, бироқ асоссиз айб қўйилади. Улар маориф тизimini “миллатчилик оғуси” билан заҳарлаганликда айбланиб, бу ҳолат “маориф фронтида қосимовчиликнинг намоён бўлиши” деб қораланди. Боту билан биргаликда унинг комиссарликдаги маслақдошлари ҳам қамоққа ташланган. Қамоққа олинганда Боту бор-йўғи 26 ёшда эди...

Комиссарликда Давлат илмий кенгаши Президиуми раиси ўринбосари Боис Қorieв (Олтой) тергов жараёнида чекистларнинг тазйиқлари асосида берган кўрсатмаларида келтирилишича, гўёки 1929 йил март ойида маориф комиссарлигида “Ғайратчилар” номли аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти тузилган. Ташкилот раҳбари Боту бўлиб, ундан ташқари бу ташкилотга Олтойнинг ўзи, комиссарлик ходимлари Шокирбеков, Қодир Собиров, Салимий, Назрулла Иноятлов, Ғуломов, Ҳамроқулов, Носир Саидов ҳамда машҳур ёзувчи ва шоирлар Фитрат ва Чўлпон, шунингдек, бошқа кишилар кирган. Олтойнинг фикрича, ташкилот атрофига миллий ватанпарварлик руҳидаги кишилар жипслашиб, Ўзбекистонни буржуа демократик республикаси сифатида мустақилликка эришишини таъминлаш учун курашганлар. Улар ҳокимиятни қўлга олиш ва ҳимоя қилиш учун маҳаллий ёшларни ҳарбий мактабларга кўпроқ жойлаштириб, махсус ҳарбий билим олишига эришишга интиланлар.

Совет ҳокимияти томонидан Боту

бошчилигидаги маҳбусларнинг Самарқанд ва Тошкентдан кўп ўтмай Москвага олиб кетилиб, мудҳиш Бутирка қамоқхонасида сўроқ қилиниши кўп нарсани англатади. Қамоқхонада 2 нафар айбсиз маҳбус: Абдурахмон Ғойибов ва Абдужаббор Назарқулов қийноқдан жон беради. Бошқа маҳбуслар мисли кўрилмаган қийноқлар натижасида бир-бирига туҳмат қилишга ҳамда ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилинадилар.

Москвада ОГПУ коллегияси томонидан 1933 йил 31 март куни бўлган йиғилишда 1927 йил 9 июндаги СССР МИК Президиумининг қарори асосида бу иш кўриб чиқилиб, Маҳмуд Боту (Ҳодиев), Носир Саидов, Маннон Рамзий, Собир Қодиров, Боис Қorieв (Олтой), Ҳосил Восилий, Хайруллаҳон Алявий, Қайомхўжа Алиев, Абдулла Қамчинбек (Гайнуллин) дастлаб отув жазосига ҳукм қилиниб, сўнгра бу ҳукм 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Боту жазо муддатини ўташ учун Соловки (Соловец) оролларидаги махсус концлагерга юборилган. Бу иш юзасидан қўлга олинган бошқа маҳбуслар ҳам турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар[21].

Мамлакатда катта террор бошлангач, Боту яширин равишда Тошкентга олиб келиниб, бу пайтда қамоққа олинган кўплаб маҳбуслар билан юзлаштирилади. Сўнгра Москвага олиб борилиб, 1938 йил 9 майда[22:171-175] совет режими томонидан отиб ташланди.

Кейинчалик Ботунинг рафиқаси Валентина Петровна Васильева [Ҳодиева] (1904 – 1980) ҳам 10 йиллик қамоқ жазосини Магаданда 1941 – 1950 йилларда ўтаб, сўнгра Ўзбекистонга қайтган. Уларнинг ўғли Эркин Ҳодиев ҳам 4 йил қамоқда ўтирган[23:179-188].

1930 йил 1 сентябрда Самарқанд илмий текшириш институти директори Маннон Рамзий [Маннон Абдуллаев] ОГПУ ходимлари томонидан ҳибсга олинади. У бир неча кун Самарқанд ва Тошкент турмаларида сақлангач, Москвага жўнатилди.

Уч йилча олиб борилган тергов

хулосалари натижасида Маннон Рамзий Москвада 1933 йил 31 мартда бўлган суд жараёнида аввал отишга ҳукм қилинади, сўнгра бу ҳукм 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Маннон Рамзий томонидан ВКП(б) МКга юборилган турли аризалардан сўнг у 1934 йил ноябрда қамоқхонадан Москвага чақирилиб, муддатидан олдин қамоқдан озод қилинади ҳамда даволаниш учун Кисловодск санаторийсига жўнатилади. Сўнгра Ростов-Дондаги “Ростсельмаш” заводида кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишга жойлашади ҳамда оиласини 1935 йил ёзида Тошкентдан бу ерга кўчириб олиб келади.

1937 йил 17 августда Маннон Рамзий иккинчи марта “Акмал Икромов иши” бўйича Ростов-Донда қамоққа олинди, сўнгра Тошкентга келтирилади. Сўнгра яна Москвага олиб кетилган Маннон Рамзий 1938 йил 27 апрелда ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳамда ўша куни отиб ташланган.

“*Ботир гапчилар*” ташкилотига таниқли ўзбек зиёлиси, тилшунос ва адабиётшунос олим *Ашурали Зоҳирий* (1885 – 1937) асос солган. Ашурали Зоҳирий 1885 йилда Фарғона водийсидаги Ойимқишлоқда туғилган. У Қўқон механика техникумида дарс берган. Қўқонда 1930 йил 31 январда қамоққа олинган. Тергов материалларида кўрсатилишича, Ашурали Зоҳирий “Миллий Истиқлол” ташкилоти раҳбарияти қарори билан “Ботир гапчилар” сиёсий ташкилотини тузган ҳамда унинг дастурини ишлаб чиққан. Бу ташкилотга кўплаб ўзбек зиёлилари, жумладан, ёш ёзувчи *Абдулла Қаҳҳор* ҳам жалб қилинган эди.

Тергов ҳужжатлари материалларига кўра, “Ботир гапчилар” ташкилоти Қўқонда 1929 йил ноябрда ташкил топган. Ташкилот гўёки 1925 – 1927 йилларда Қўқонда фаолият кўрсатган “Темур” гуруҳининг давомчиси сифатида тузилган. Совет режими катагон органлари томонидан 1930 йил 31 январь, 4 февраль, 9 май кунлари 20 нафар киши “Ботир гапчилар” ташкилотига алоқадорликда айбланиб, қамоққа олинган. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги томонидан “фош этилган” бу ташкилот тақдири 1930 йил 6 февралда

бўлган йиғилишда ҳал қилинган эди[24].

Ташкилот раҳбари Ашурали Зоҳирий қамоққа олинган пайтда Қўқон механика техникуми ўқитувчиси эди. Ташкилот фаоллари бўлган Лутфулла Олимий [Лутфулла Алимов] бу пайтда Қўқон шаҳрида чиқаётган “Янги Фарғона” газетаси масъул муҳаррири, Ёқуб Омон “Янги Фарғона” газетаси адабий таржимони, Носир Эркин “Янги Фарғона” газетаси техник муҳаррири ва корректори, Абдулла Қаҳҳоров “Янги Фарғона” газетаси масъул котиби, Умархўжа Ҳамидов Қўқон рабфаки бошлиғи, Муҳитдин Ҳусанов Қўқон шаҳридаги округ совет-партия мактаби ўқитувчиси, Абдулла Холматов Фарғона шаҳар халқ таълими бошлиғи, Мирзаабдулла Солиев “Янги Фарғона” газетаси таҳририяти бошлиғи, Абдулла Раҳматзода Қўқон шаҳри педагогика курслари бошлиғи лавозимларида ишлаган. Ташкилот атиги 3 ойча фаолият кўрсатган. Бироқ шу қисқа муддат ичида ташкилот низоми ва ҳаракат дастури қабул қилинган. Низомда ёзилишича, “Ҳар бир онгли киши ўлкани ҳар қандай мустамлакадан озод қилишга интиломи ҳамда халқни яхши турмуш шароити ва иш билан таъминлашга садоқатли бўлмоғи керак”[25:43-50].

“Ботир гапчилар” ташкилоти аъзоларига ўз олдига аксилсовет чиқишларини қўллаб-қувватлаб, совет ҳокимиятини ағдариб ташлашни мақсад қилиш; ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, совет ҳокимиятининг сиёсий-хўжалик тадбирларига қаршилик кўрсатиш ва мафкуравий жабҳада газета таҳририяти ва ўрта мактабларда аксилинқилобий фаолият олиб бориш; совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш мақсадида хорижий мамлакатлардаги муҳожирлар ва чет давлатлар ҳукуматлари билан алоқа боғлашга ҳаракат қилиш каби айблар қўйилган. ОГПУ Шарқ бўлими Фарғона округи вакили Гайнетдинов ва бошлиқ ўринбосари Соловьев раҳбарлигида 1931 йил 25 апрелда бўлган махсус коллегия қарори билан “ботир гапчилар”дан 20 нафари устидан ҳукм чиқарилган. Унга кўра, Ашурали Зоҳирий ва Лутфулла

Олимий аввал ўлим жазосига, сўнгра 10 йил қамоқ жазосига; Ёқуб Омон, Эркин Носир ва Умархўжа Ҳамидов 10 йил қамоқ жазосига; Муҳитдин Хусанов, Абдулла Қаҳҳоров, Карим Ортиқбоев, Турғун Парпиев ва Абдулла Холматов 5 йил қамоқ жазосига; Мухтор Муҳамадиев, Абдулла Раҳматзода, Маматқул Холдоров, Обиджон Ҳакимов, Комилжон Қосимов, Воси Қаюмов, Тошпўлат Акбаров, Толибжон Охунжонов 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, жазони ўташ учун махсус концлагерларга юборилган. Улардан фақатгина ГПУ айғоқчиси Мирзаабдулла Солиев иши тўхтатилиб, у озод қилинган. Ашурали Зоҳирий бўлса муддатидан олдин қамоқдан қайтган. Бироқ 1937 йилда у яна қамоққа олинган ва кейинчалик қамоқхонада ҳалок бўлган. Шунингдек, Абдулла Қаҳҳоров ва Умархўжа Ҳамидов доимий назоратда туриш шарти билан муддатидан аввал қамоқдан озод қилинган[26:34-55]. Бу пайтда 23 ёшда бўлган А.Қаҳҳоров кейинчалик машҳур ўзбек совет ёзувчиси сифатида Абдулла Қаҳҳор бўлиб нафақат Ўзбекистонга, балки бутун дунёга танилди. Абдулла Қаҳҳор кейинчалик ҳам ГПУ ва сиёсий идоралар билан ҳамкорлик қилган, доимий равишда Москванинг мададига таянган. Шу билан биргаликда Абдулла Қаҳҳор XX аср 50-60-йилларида истеъдодли ёш ўзбек ижодкорларини қўллаб қувватлаган. “Ёшлар билан суҳбат” (1968) китоби ўз даврида Ўзбекистон маданий ва ижтимоий ҳаётида улкан воқеа бўлиб, у ўзбек халқининг бир неча авлодларини совет даврида ҳам ҳақиқатни айтишга ундади. Абдулла Қаҳҳор ўзининг 60 йиллик юбилейида (1967 йил сенятбр) айтган “*Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!*”[27:140] сўзлари халқимиз ўртасида маталга айланиб кетди. Абдулла Қаҳҳор XX асрда ўзбек адабиётида сўзни санъат даражасига кўтара олган улкан ижодкор эди.

Шундай қилиб, совет режими томонидан ўтказилган қатағон чоралари Ўзбекистон ССРда етук миллий раҳбар ходимлар ва миллат ойдинларини тугатишга ҳамда ўзбек халқини тоталитар режим асорати остида

тутиб туришга қаратилган эди. Совет режими 1937-1938 йилларда Ўзбекистон ССРда ҳам катта қирғинни амалга оширди.

1937 йил июн ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг VII съездида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев тақдири ҳал қилинган эди. Съезднинг 17 июнь куни бўлиб ўтган якунловчи йиғилишида Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг янгиланган таркибига киритилмаган. Бу ҳам озлик қилганидек, шу куни Фарғона ва Тошкент делегатлари бўлган коммунистик раҳбарлар томонидан унинг шаънига тухмат ва маломат тошлари отилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Акмал Икромов Москванинг талаби билан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимидан озод қилинган Файзулла Хўжаев ўрнига Абдулла Каримовни ушбу лавозимга тавсия қилади. Аммо совет давлати раҳбарлари Сталин билан Молотов 9 июлда А.Икромов номига йўллаган шифртелеграммаларида А.Каримов номзодини рад этишади. А.Каримов, уларнинг фикрига кўра, Ф.Хўжаев ташкил этган “аксилсовет гуруҳи”нинг аъзоси эди. Шу тарзда ҳали на тергов қилинмаган, на судда айби исботланмаган Файзулла Хўжаевнинг манглайига “аксилсовет гуруҳи”, яъни советларга қарши уюшган ташкилот аъзоси деган тамға ёпиштирилади[28:75].

1937 йил 31 июль куни тасдиқланган 00447 рақамли махфий буйруққа кўра, қатағон 5 августда “барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРлар”да бошланиши лозим эди. Лекин Ўзбекистон ССР НКВД раҳбарлари доғда қолмасликлари учун июль ойи ўрталаридаёқ қатағон машинасини ишга тушириб юборадилар[29:173-190].

1937 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Компартияси МКнинг II пленуми бўлиб ўтди. Пленумда, бир томондан, ВКП(б) МК котиби А.Андреевнинг иштирок этиши

қатнашчиларга ғайритабиий туюлган бўлса, анчадан бери кўринмаган, Москвага чақириб олиниб, Файзулла Хўжаев билан бир неча марта юзлаштирилган Акмал Икромовнинг пленум ҳайъатида ҳориган ва эзилган ҳолда ҳозир бўлиши уларда қандайдир шубҳа ва ҳадик туйғуларини уйғотди. Пленум бошланиши билан А.Андреев минбарга кўтарилиб, ВКП(б) МК Бош котиби И.В. Сталин билан СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.М. Молотовнинг Ўзбекистон коммунистларига йўллаган хатини ўқиб беради. Ўша куни кечқурун Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Акмал Икромов Тошкент шаҳри, Гоголь кўчасидаги 71-уйида қамоққа олинди.

Бир ҳафталик тортишувлар ва кескин мунозаралар ҳамда Москванинг розилиги билан 1937 йил 27 сентябрда Ўзбекистон ССР озиқ-овқат халқ комиссари Усмон Юсупов Ўзбекистон Компартияси МК ва бюро таркибига аъзо сифатида киритилиб, у Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби қилиб сайланди.

СССР Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежовнинг “Собиқ кулоқларни қатағон қилиш тўғрисида”ги 1937 йил 20 июль санали 00447- буйруғи билан Ўзбекистонда нафақат собиқ “кулоқлар”, балки аксилинкилобий фаолият ва аксилшўровий тарғибот билан шуғулланганликда гумон қилинган шахсларни ҳибсга олиш авж олиб кетди. 1937 йил август ойи бошларида Ўзбекистон НКВД қошида тузилган “учлик” 10 августдан бошлаб ҳар 10 кунда, 8 сентябрдан бошлаб эса ҳар 3 – 4 кунда ўз йиғилишларини ўтказиб, минглаб бегуноҳ кишиларни қатағон қилди. Агар “учлик”нинг 1937 йил 10 августдаги йиғилишида 64 киши отувга ҳукм қилинган ва 4 киши 10 йил муддатли қамоққа ҳукм қилинган бўлса, 14 ноябрдаги йиғилишида 180 киши отувга, 6 киши 10 ва 2 киши 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган[30]. “Учлик” йиғилишларининг эълон қилинган баённомалари билан танишган киши ўша йилларда Ўзбекистонда қатағон қиличидан

омон қолган бирор оила қолмаган, деб ўйлаши мумкин.

1937 йилнинг 23 февраль – 5 март кунларида Москвада ВКП(б) МКнинг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда “хорижий разведка органларига ёлланиб ишлаётган зараркунандалар, диверсантлар, жосуслар, қотиллар” совет давлатининг асосий душманлари деб эълон қилинди. 1938 йил 2-13 мартда Москвада эса “советларга қарши ўнг троцкийчи блок” (жами 21 киши) устидан очиқ суд жараёни ўтказилиб, унга СССР Олий ҳарбий коллегия суди раиси В.Ульрих ва давлат қораловчиси В.Вишинский раислик қилди. Суд жараёнида Н.Бухарин, А.Риков, Г.Ягода, Н.Крестинский, Х.Раковский, А.Розенгольц, В.Иванов, М.Чернов, Г.Гринько, И.Зеленский, С.Бессонов, А.Икромов, Ф.Хўжаев, В.Шарангович, П.Зубарев, П.Буланов, Л.Левин, Д.Плетнев, И.Казаков, В.Максимов-Диковский, П.Крючковларга “халқ душмани” ва “Ватан хоини” деган айблар қўйилди[31]. 13 мартда чиқарилган ҳукмга кўра, улардан юқоридаги 18 киши отиб ўлдиришга, қолган 3 киши: Д.Плетнев 25 йил, Х.Раковский 20 йил, С.Бессонов 15 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди[32]. Ўлим жазосига ҳукм қилинган 18 киши, жумладан Ўзбекистон ССР раҳбарлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев 1938 йил 15 мартда Москва атрофидаги Коммунарка қатлгоҳида отиб ўлдирилди[33]. Қолган 3 нафар киши ҳам кейинчалик қамоқда ўлиб кетди[34:114-120].

Шундай қилиб, совет режимининг қатағон сиёсати 1937-1938 йилларга келганда катта қирғин ва қатли омга айланиб кетди. Бу сиёсат Л.Берия НКВДга раҳбарлик қилган даврда ҳам давом этди. XX асрнинг 30-йиллари бошларида ГПУ-ОГПУ органлари томонидан қамоққа олинган зараркунандалар, безорилар, “кулоқлар”, жиноятчилар армияси, Сталин назарида, қамоқхона ва лагерларда олаётган нон-тузини нафақат оқлаши, балки ўз меҳнати билан давлат хазиналарини бойитиши ҳам лозим эди. Бутун фикр-зикрини шу мақсадга марказлаштирган



Сталин маҳбуслар меҳнатидан фойдаланишни давлатнинг иқтисодий тангликдан чиқиб, катта суръат билан ривожланишининг асосий омили деб ҳисоблади. ГПУ (ОГПУ) органлари унинг буйруғи асосида нафақат зараркунандалар ва жиноятчилар, балки, ҳозирги давр ифодаси билан айтсак, диссидентлашиб бораётган кишилар ва уларнинг яқинларини ҳам қамоққа олиб, уларни Соловки (Соловец) оролларидаги заводлар, Москва бўсағасидаги канал қурилишлари ва бошқа жойларга бадарға қилдилар. Бунинг учун 1934 йили махсус ГУЛАГ ташкил қилинди. 1937–1938 йилларнинг қурбонлари эса Колимадаги олтин, олмос ва торф конлари ҳамда ўрмонларга сафарбар қилинди. Ўта совуқ ва изғиринли жойларда фавқулодда оғир шароитда ишлаган маҳбусларнинг катта қисми очлик ва хасталикдан ҳалок бўлиб, улар ўрнига XX асрнинг янги қуллари мунтазам равишда келтирилиб турилди. Шу тарзда сталинча қатағон тегирмонига тушган жабрдийдаларнинг аксари 3 – 5 ёки 10 йиллик жазо муддатини ўтаб, оилалари бағрига қайтиш имконидан умуман маҳрум бўлдилар. Катта қирғин мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб борди[35:178].

Сталин 1936 – 1938 йиллардаги қатағоннинг заҳарли учини “бешинчи колонна” – собиқ оқ гвардиячилар, кулоқлар ва совет давлатига хайрихоҳ бўлмаган унсурларга ҳамда тарихий ватанларидан бошқа жойларга мажбуран кўчирилган аҳолига қаратди. Ўзбек халқи шу йилларда Ўрта Осиё ва Кавказдаги бошқа халқларга нисбатан кўпроқ талафот кўрди. Ўша даҳшатли йилларда кимдир ҳасад ва ғараз, кимдир қўрқоқлик, кимдир лоқайдлик орқасида ўртоғи, қўни-қўшниси, қариндош-уруғи ёки ҳамкасби ва хизматдошининг хибсга олиниб, маҳв этилишига ўз “ҳиссаси”ни қўшди. Бошқача айтганда, аҳоли орасидаги ҳасадгўй, ғаразгўй ёки қўрқоқ кимсалар кимнингдир попугини пасайтириб қўйиш ёки НКВД ходимлари кўзига яхши кўриниш учун хуфиялик ва айғоқчилик қилишдан, чақув ва ёлғон

маълумотлар беришдан ёки терговчи ёзган тухматномаларни ўз имзолари билан тасдиқлашдан ҳам тойишмаган. Совет режими ҳатто хотиннинг эри устидан, ўғилнинг ота устидан чақимчилигини йўлга қўйиб уни рағбатлантирди. Афсуски, бундай қабих ёндашув юртимизда кейин ҳам давом этди.

Совет мустабид тузуми бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистон ССРда ҳам оммавий қатағонликларни авж олдириди. Йирик давлат ва жамоат арбоблари, партия ва хўжалик раҳбарлари, зиёлилар, руҳонийлар ва ҳарбийлар билан биргаликда оддий кишилар: кўплаб ишчилар ва колхозчилар ҳам қатағон қилинди. Бу пайт тоталитар режимда маъмурий-буйруқбозлик ва авторитар бошқарувнинг кучайиши натижасида қонунбузарлик ҳодисалари оддий ҳолга айланди.

Ўзбекистонда сиёсий қатағонлик 1937 йилнинг ёзида айниқса авжига чикди. Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев, унинг кейинги ворислари Абдулла Каримов, Султон Сегизбоев, Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби Акмал Икромов, Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссари Акбар Исломов, Ер ишлари халқ комиссари Рустам Исломов, Маориф халқ комиссари Қосим Сорокин, Ички савдо халқ комиссари Муҳитдин Турсунхўжаев, Соғлиқни сақлаш халқ комиссари Карим Абдуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котиблари Содик Болтабоев, И. Худойқулов, Арон Цехер, бўлим мудирлари Мўмин Усмонов, Қурбон Берекин, Мирмуслим Шермухамедов, Боқи Исҳоқов, Камол Шарипов, Қорақалпоғистон обкоми котиблари Давлат Ризаев, Комилжон Алимов, Сурхондарё округ партия комитети котиби Йўлдош Ирисметов, Қашқадарё округ партия комитети котиби Аббосхон Саидхонов, Хоразм округ партия комитети котиби Нурмат Исроилов, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Дмитрий Манжара, МИҚ котиби Даврон Аҳмадбеков, Ўзбекистон ЛКСМ МК котиблари Исроил Ортиқов,

Фёдор Петрович Тарасов, Тошкент шаҳар Совети раиси Абдулхай Тожиев, шунингдек, яқин ўтмишда масъул лавозимларда ишлаган Раҳим Иноғомов, Саъдулла Турсунхўжаев, Султонбек Хўжанов, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Миркомил Миршаропов, Усмонхон Эшонхўжаев, Жўра Тўрабеков, Нишонбек Мавлонбеков, Ўзбекистон ССРда турли шаҳар ва район партия комитетлари бўлган Абуш Алмасов, Карим Болтаев, Муҳитдин Эрматов, Даврон Искандаров, Собир Мирзажонов, Ҳамдам Тожиев, Абдулла Тошмуҳамедов, Носир Ҳожиматов, Ёқуб Девонов ҳамда республикамиздаги кўплаб вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар раҳбарлари, бошқа кўплаб хўжалик ходимлари қамоққа олиниб, терговдан кейин улар СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг қарорига биноан отиб ташланади. Ўзбек аёлларидан чиққан таниқли жамоат арбоблари Собира Холдорова (Тошкент шаҳар Киров тумани партия комитети котиби), Тожихон Шодиева (Ўзбекистон Компартияси Фарғона округи Молотов район партия комитети котиби), Марям Султонмуродова ва бошқалар ҳам совет режими томонидан бу даврда қатағон қилинди[29:173-190].

Хуллас, Ўзбекистон ССРдаги сиёсий элита “миллатчилик ва совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш”да, шунингдек, қуролли кўзғолон кўтаришни тайёрлашда айбланди. XX асрнинг 20-йилларида Туркистон АССРда масъул лавозимларда ишлаган Турор Рисқулов, Қайғисиз Отабоев, Назир Тўрақулов Москвада, Санжар Асфандиёров Қозоғистонда, Тожикистон ССР ХКС раиси Абдулла Раҳимбоев Сталинободда, Туркменистон ССР МИК раиси Нодирбой Айтақов Ашхабодда қамоққа олиниб, мустабид совет режими томонидан йўқ қилинди.

Ўзбекистон ССР жамиятнинг ҳамма табақаларига ёйилган ҳибсга олиш тўлқини остида қолди. Давлат ва жамоат арбоблари, хўжалик раҳбарлари билан бир қаторда миллат оидинлари ва жадиждлар оммавий равишда қатағон қилинди.

Ўзбек адабиётининг XX асрдаги бебаҳо

уч юлдузи – Фитрат, Чўлпон билан биргаликда Абдулла Қодирий ҳам Тошкент шаҳри атрофидаги Бўзсув бўйида 1938 йил 4 октябрда отиб ўлдирилди

Бу даврда қатағон қилинган шоирлар ўртасида истеъдодли шоир, драматург ва таржимон *Усмон Носир* (1912 – 1944) алоҳида ажралиб туради. У Наманган шаҳридаги Танҳоқўл маҳалласида камбағал хунараманд Маматхўжа ва Холамбиби оиласида туғилган. Усмон Носир XX асрнинг 30-йиллари бошларида ўзбек шеъриятига чакмоқ ўлароқ кириб келди. У қисқа ижодий умри давомида шеърий асарларидан ташқари драмалар ҳам ёзди. Усмон Носир 25 ёшида 1937 йил 13 июлда Тошкентда «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, 1938 йил 5 октябрдаги суд ҳукми билан дастлаб Магадан, сўнгра Кемерово вилоятларидаги қамоқхоналарга юборилган. У Кемерово вилояти Мариинск шаҳри яқинидаги Суслово деган жойда қамоқхонада ўпка хасталиги натижасида 1944 йил 9 мартда вафот этган. Усмон Носир вафотидан сўнг 1944 йил 15 декабрда оқланган[36].

Шунингдек, XX аср 20-йилларида Германия, Туркия ва бошқа мамлакатларда ўқиб Ўзбекистонга қайтган зиёлилар ҳам қатағон гирдобига тортилди. Абдуваҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Солиҳ Муҳаммад, Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Фузаил Шераҳмедов, Хайринисо Мажидхонова, Гулсум Раҳимова [Ашрафий] ва бошқа кўплаб зиёлиларимиз “Германия жосуси” сифатида айбланиб, отиб ташланди[37:105-114]. Германияда ўқиб қайтганлардан фақат хоразмлик Марям Султонмуродова 15 йиллик қамоқ муддатидан сўнг юртига қайтди.

БХСРнинг 17 нафар раҳбар арбоблари: Муинжон Аминов, Отаулла Хўжаев, Мухторжон Саиджонов, Саттор Хўжаев, Мусожон Саиджонов, Наимжон Ёқубзода, Мукамил Бурҳонов, Муҳаммар Бурҳонов, Абдурашид Муқомиллов, Масхар Бурҳонов, Раҳматулла Музаффаров, Ҳамро Хўжаев, Аҳмаджон Абусаидов, Порсо Хўжаев, Мисхаб Бурҳонов, Абдурахим Юсуфзода, Абдулла Абдуллаев ЎзССР НКВД

хузуридаги махсус тройка қарори билан 1937 йил 14 октябрда отишга ҳукм қилинди ва 1937 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида отиб ташланди. Ўлимидан сўнг улар совет режими томонидан 1965 йили ва ундан кейин оқланган[38].

Хуллас, 1937 йил кузида совет режими томонидан ўзбек халқи вакиллари билан бўлган бухоролик 17 нафар сиёсий ва ижтимоий арбоблар қатағон қилинди. Бухоролик зиёлиларнинг асилзода қатламига мансуб охириги шахслар маҳв этилди. Файзулла Хўжаев ва Фитрат каби XX асрдаги ўзбек халқи тимсолларининг энг яқин сафдошлари ва маслакдошлари йўқотилиб, 1938 йилда бу икки арбоб ҳам қатағон қиличидан ўтказилди.

1937 – 1939 йилларда Ўзбекистонда тўқиб чиқарилган сохта айбловлар бўйича 41 000 нафардан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 000 нафардан ортиғи жазоланди, 6920 нафар киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Умуман олганда, 1937 – 1953 йилларда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги тройкаси (учлиги) томонидан 100 000 нафардан ортиқ киши қатағон қилинди, улардан 15 000 нафари отиб ташланди. 1936 – 1940 йилларда фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар ва олимлардан 5758 нафар киши қамоққа олиниб, улардан 4811 нафар киши отиб ўлдиришга ҳукм қилинган эди[29:173]. Бу маълумотлар қизил террор ва геноцид сиёсати қанчалик кенг миқёсда шафқатсиз равишда амалга оширилганлигининг яққол исботи ҳисобланади.

**ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION).** Шундай қилиб, XX аср 30-йиллари охирида Ўзбекистон ССРда мустабид совет режими ўз ҳукмронлигининг чўққисига кўтарилди. Тоталитар тузум демократия ва шахс дахлсизлиги тамойилларини оёқ ости қилиб, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни

зўравонлик билан янчишга эришди. Бу режим нафақат ўзига қарши чиққан минглаб миллат фидойиларини, балки гуноҳсиз ўн минглаб одамларни ҳам террор (қатли ом) қилди. Совет режими ўзининг қатағон ва геноцид сиёсатини кейинги йилларда ҳам узлуксиз давом эттириб, ўзбек халқи бошига мислсиз азоб-укубатларни солди. Лекин халқимиз юрагида мустақилликка бўлган ишонч ва истиқлолга эришиш орзуси асло сўнмади.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби Усмон Юсупов 1937-1938 йилларда бўлган кўплаб расмий ва оммавий тадбирларда, партия ва ҳукумат мажлисларида, даврий матбуотда босилган мақолаларида Ўзбекистон ССРнинг собиқ раҳбарлари бўлган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва қатағон қилинган бошқа давлат ва сиёсат арбоблари, шоир ва ёзувчиларни ҳали суднинг тегишли қарори эълон қилинмасдан туриб, “халқ душмани” ва “буржуа миллатчиси” сифатида зўр бериб фош қилдилар, уларга тухмат тошларини отдилар. Афсуски, совет даврида коммунистик сабоқни олган ўзбек халқининг пешволари бу пайтда ана шундай шармандали ишлари билан ўзларининг собиқ раҳбарлари ва сафдошлари бўлган миллий коммунистларга турли бўҳтонлар ёғдириб, уларни Ватанга хиёнат қилганлик ҳамда “империализм малайлари ва жосуслари” бўлганликда айбладилар. XX аср давомида Ўзбекистон ССР сиёсий раҳбарияти тарих синовларига дош бера олмай, ана шундай қийин ва мураккаб вазиятда, тарих бурилиши паллаларида бир неча марта халқнинг кўз ўнгида шармандаи шармисор бўлишди.

Ўзбек халқининг бутун фожиаси ҳам аслида ана шунда эди!..

#### АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Қаранг: *Ражабов Қ.* Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1991 й.). – Б. 117-128.
2. Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. –

Тошкент: Ўздавнашр, 1958. –Б. 280-282.

3. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1964. –Б. 223-224

4. <sup>1</sup>Ҳошимов С. Совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1936 й.). –Тошкент: Akademnashr, 2018. –Б.162.

5. Ўзбекистон Миллий архиви, 1714-фонд, 5-рўйхат, 130-иш, 2-варақ.

6. Ўзбекистон Миллий архиви, 1714-фонд, 5-рўйхат, 134-иш, 74-76-варақлар.

7. «Правда Востока» (Ташкент). 1 апреля 1930 г.; «Қизил Ўзбекистон» (Тошкент). 1930 йил 20 июнь.

8. Катанян Р. Против Касимова – против касимовщины (Речь государственного обвинителя по делу судебных работников Узбекистана). – Ташкент: Узгиз, 1931. – 125 стр.

9. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том первый. 1925-1937. –Ташкент: Узбекистан, 1987. –С.533-534.

10. Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20 – 30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (махаллий зиёлилар фаолияти мисолида): Тарих фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2004. –Б.19.

11. Ўзбекистон Миллий архиви, 1714-фонд, 5-рўйхат, 1508 – 1525-ишлар.

12. “Қизил Ўзбекистон”, 1932 йил 7 май; “Правда Востока”, 16 июня 1932 г. ва б.

13. “Қизил Ўзбекистон”, 1932 йил 18 июнь (лотин алифбосида).

14. Андижон ВДА, 59-фонд, 1-рўйхат, 925-иш, 2-варақ.

15. Ўзбекистон Миллий архиви, 1714-фонд, 5-рўйхат, 1509-иш, 10-варақ.

16. “Қизил Ўзбекистон”, 1932 йил 18 июнь (лотин алифбосида); Катанян Р. Бадреддиновщина. –Ташкент-Самарканд: Узгиз, 1932. – С. 14.

17. Ўзбекистон ДХХА, П-27705, № 109612-иш, 10 томлик.

18. Ўзбекистон ДХХА, П-27705. Ўн томлик. Том 5. 344-353-варақлар.

19. Ҳошимов С. Наркомпрос иши билан боғлиқ янги маълумотлар // “АДУ. Илмий хабарнома”, 2012. № 1. – Б. 47.

20. Қаранг: Каримов Н. Шоирнинг фожиали тақдири // Боту. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2004. – Б. 18 – 19.

21. Ўзбекистон ДХХА, П-27705. Ўн томлик. Том 5. 15-варақ.

22. Васильева В. Боту ҳақида эсдаликлар // Боту. Танланган асарлар. – Б. 171 – 175.

23. Ҳодиев Э. Отам ва болалигим ҳақида // Боту. Танланган асарлар. – Б. 179 – 188.

24. Ўзбекистон ДХХА, П-33391 ва П-7876.

25. Ҳошимов С. “Темур” гуруҳи ва унинг тақдири // “ЎЗМУ хабарлари”, 2010. Махсус сон. – Б. 43 – 50.

26. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. Составители: Р. Шамсутдинов, Э. Юсупов, С. Хошимов, Э. Дусматов. – Андижан, 2007. – С. 34 – 55.

27. Қаранг: Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: Ёш гвардия, 1968. – Б. 140.

28. Каримов Н. “Катта қирғин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва омили. – Тошкент: “Фан”, 2013. – Б. 75.

29. Бу ҳақда қаранг: Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1991 й.). – Б. 173-190.

30. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. – Тошкент: “Шарқ”, 2007; Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. – Тошкент: “Sharq”, 2009.

31. Қаранг: “Известия” (Москва). 14 марта 1938 г.; “Правда” (Москва). 14 марта 1938 г.

32. Қаранг: Судебный отчет по делу антисоветского «право-троцкистского блока». – Москва: Юридическое изд. НКЮ СССР, 1938; Процесс Бухарина. 1938 г. Сборник



документов. – Москва, 2013.

33. Возвращенные имена. Сборник публицистических статей в 2-х книгах. Составитель: А.Проскурин. – Москва: АПН, 1989.

34. 1963-1988 йилларда совет давлати томонидан Г.Ягодадан ташқари барча қатағон қилинган 20 нафар киши ўлимидан сўнг реабилитация қилинди. Бу ҳақда қаранг: “Известия ЦК КПСС” (Москва). 1989. №1. – С. 114-120.

35. Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-19991). – Б. 178.

36. Қаранг: *Каримов Н. Усмон Носир*. – Тошкент: “Шарқ”, 1993. 208 бет; *Ўша муаллиф. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари*. – Тошкент: “Шарқ”, 1994. 256 бет.

37. *Турдиев Ш.* Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: “Академ-Хизмат”, 2006. – Б. 105 – 114.

38. Ўзбекистон ДХХА, П-31922, 6 томлик. Т. 6. 1 – 433-варақлар.